O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

O'ZBEKISTON DEMOKRATIK PARTIYASI · XALQ

# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 15-may • Shanba • 58 (31.178) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14 май куни Оқсаройда Уммон Султонлиги ташқи ишлар бўйича давлат вазири Юсуф бин Алавий бин Абдуллани қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон ва Уммон ўртасидаги алоқалар нафақат дипломатик, балки иқтисодий асосларда ҳам ривожланаётганидан мамнунлигини билдирди.

— Бунда халқларимизнинг узоқ йиллар давомида тарихий, диний ва маданий жиҳатдан муштарак тараққиёти асосий мезон бўлмоқда, — деб таъкидлади Юртбошимиз.

Ўзбекистон билан Уммон ўртасидаги муносабатлар мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ва ҳамкорлик руҳида ривожланмоқда. 2009 йил октябрь ойида Президент Ислом Каримовнинг Уммон Султонлигига давлат ташрифи доирасида икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик асослари, ҳаво транспорти қатнови, шунингдек, нефть-газ, кимё, қурилиш тармоқлари, таълим, сайёҳлик, маданий ва гуманитар соҳаларга оид ўндан зиёд муҳим ҳужжатлар имзоланган эди.

Мамлакатларимиз ўртасида инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоялаш, даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда капитал солиқларни тўлашдан бош тортишни бартараф этиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар, шунингдек, Ўзбекистон — Уммон қўшма сармоявий жамғармасини ташкил қилиш борасида келишувлар амал қилмоқда. Уммон Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги энг муҳим давлатлардан бири сифатида тан олади. Мамлакатимиз билан ҳамкорлик Уммон учун минтақавий иқтисодий муносабатларда иштирок этиш борасида кенг имкониятлар очади.

Оқсаройдаги учрашувда Юсуф бин Алавий бин Абдулла қабул учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирди ва Уммон Султонлиги Ўзбекистон Республикаси билан келгусида ҳам барча соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини алоҳида таъкидлади.

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада кенгайтиришга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир», шунингдек, 2010 йил 29 январда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги «Асосий вазифамиз — Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» мавзуидаги маърузаларида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2010 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастури тўғрисида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Б.Ёқубов маъруза қилди.

3-бет >>

*13 май куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қанотининг III конференцияси бўлиб ўтди*



# ОЛОВҚАЛБ ЁШЛАРДАН ИБОРАТ

## сиёсатчиларни тарбиялаш, кадрлар захирасини тайёрлаш энг муҳим вазифалардан биридир

Мамлакатимизнинг турли минтақаларидан келган делегатлар, анжуман меҳмонларининг айтаётган сўзлари, билдираётган фикрларида ана шундай юксак мақсадлар мужассам экани яққол сезилиб турди.

Аввало, эслатиш керакки, 2006 йилда ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти ташкил этилган эди. Қанотнинг энг фаол аъзолари ҳар икки йилда конференцияга тўпланиб, ўтган даврдаги ишларни таҳлил этади. Олдиндаги муҳим вазифаларни белгилаб олади. «Истиқбол» дастлаб ўз олдига партиянинг ёш аъзолари ҳамда ғояларига хайрихоҳ бошқа йигит-қизларни мустаҳкам бирлаштиришни мақсад қилиб қўйган эди. 2008 йил баҳорида бўлиб ўтган партиямизнинг ёш фаоллари анжуманида эса партия ташкилотларида ишлайдиган, турли даражадаги депутатликка номзод қилиб кўрсатиладиган кадрлар захирасини тайёрлашга асосий эътибор қаратилди.

Ўтган йилларда ёшлар қаноти ташкилий жиҳатдан шаклланди, мустаҳкамланди, фаолиятини тизимли асосда йўлга қўйди. Бунинг натижасида партиямизда фаол, ташаббускор ёшлар қатлами вужудга келди. «Истиқбол» ташаббуси билан «ЎзХДПда — ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг анъанавий тарзда ташкил этилгани ҳам бугун ўз самарасини бераяпти. Партия ташкилотларига раҳбарлик қилаётган 30 ёшгача бўлган етакчиларнинг кўпайгани, 2009 йил сайловларида «Истиқбол» сафида тобланган 57 нафар йигит-қизнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига сайлангани ҳам фикримизнинг далилидир.

2-бет >>

Хулоса, мулоҳаза, таклиф ➤2

Ўзбекистон Республикаси Олий судида ➤3

Муваффақиятсизликлар сабаби қаерда? ➤4



*...Мамлакатингизга келиб, юртингизнинг нақадар тароватли эканига яна бир бор амин бўлдим. Тошкентнинг гўзал табиати, сўлим гўшалари, замонавий иншоотлар, маҳобатли меҳмонхоналар ва дам олиш масканлари, айниқса, халқингизнинг бой маданияти, урф-одатлари, қадрият ва анъаналари мени ўзига мафтун этди. Айни пайтда шаҳар инфратузилмасини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари эътиборни тортади».*

**Элла ВИСЕНТЕ хоним, мустақил маслаҳатчи — транспорт соҳаси бўйича етакчи мутахассис (Филиппин)**

## Ижодий фаоллик эътирофи

***«Туркистон» саройида «Олтин қалам» V Миллий мукофоти ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди***

3-бет

**Ватанимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада ошириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, маънавиятни юксалтириш, баркамол авлодни тарбиялаш йўналишида олиб борилаётган ислоҳотларда миллий матбуотнинг иштироки, ўрни ва аҳамияти тобора ортмоқда. Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида бўлиб ўтган «Олтин қалам» V Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолибларини тантанали тақдирлаш маросимида бу жиҳатлар яна бир карра ўзининг ёрқин ифодасини топди.**



## 1 САВОЛГА ЖАВОБ

***— Партия ташкилоти етакчиси қандай бўлиши керак, бугун ундан нималар талаб этилмоқда?***



**Зина ТЕМИРБЕКОВА, Ўзбекистон ХДП Қўнғирот тумани кенгаши раиси:**

*— Етакчилик осон иш эмас. Аслида, бу бир санъат. Мен бу ҳақда кўп ўйлайман. Етакчи вазифалари ва фаолиятини қандай ташкил этиши кераклиги ҳақида маслакдошларим билан фикрлашиб тураман.*

*Партиянинг ҳар бир етакчиси энг аввало ўз зиммасидаги асосий масъулиятни юракдан ҳис қилиши керак. Мустақил Ўзбекистон давлатининг ички ва ташқи сиёсатини яхши билиши, сиёсий жиҳатдан кучли билимга ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши, нотиқлик санъатидан хабардор шахс бўлиши зарур. Президентимиз фармон ва қарорларини, қонунларни яхши билиши, ислоҳотлар моҳиятини теран англаши, уларнинг мазмуни ва аҳамиятини электоратга етказиб бера олиши лозим. Энг муҳими, партиявий ишни яхши кўриши керак. Партия ишига қизиқмаган, раҳбар бўлиб юриш учунгина етакчилик қилаётган одамлар партиянинг обрўсига фақат путур етказади.*

*Партия етакчисининг фаоллиги, ташаббускорлиги қанча юқори бўлса, дастурий ғояларимиз, мақсад ва вазифаларимизнинг амалий ижроси ҳам шунчалик самарали бўлади. Электорат эса унинг ортидан эргашади.*

### 15 май об-ҳавоси



| Юртимизда | | Хорижда | |
|---|---|---|---|
| Тошкент | 27°C | Лондон | 14°C |
| Самарқанд | 26°C | Париж | 15°C |
| Нукус | 23°C | Москва | 7°C |
| Қарши | 29°C | Мадрид | 16°C |
| Урганч | 23°C | Пекин | 14°C |
| Навоий | 26°C | Гонгконг | 31°C |
| Фарғона | 25°C | Рим | 20°C |
| Бухоро | 26°C | Анқара | 17°C |
| Андижон | 25°C | Токио | 19°C |
| Наманган | 25°C | Стокгольм | 9°C |
| Термиз | 31°C | Кейптаун | 38°C |
| Жиззах | 26°C | Қоҳира | 32°C |
| Сирдарё | 26°C | Гавана | 31°C |
| Тошкент вил. | 26°C | Вашингтон | 11°C |



O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

## Болажонларга совға

Оролбўйи ҳудудида оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Яқинда Бош прокуратура йўлланмаси билан Мўйноқ туманидаги 4-«Ғунча» мактабгача таълим муассасасида мураккаб реконструкция ишлари олиб борилди.

Идоралар ва ҳомийлар томонидан 198 миллион сўмлик мураккаб таъмирлаш ишлари бажарилди. 54 миллион сўмлик қаттиқ ва юмшоқ мебель ва инвентарлар олиб берилди. Бу юмушларни «Қорақалпоқсаноатфуқароқурилиш» масъулияти чекланган жамиятнинг қурувчилари, муҳандис-техниклари амалга оширди. 140 ўринли болалар боғчасида 20 нафар педагоглар ҳамда тарбиячилар ишлайди.

Болалар боғчаси жамоаси туман ва республика кўламида ўтказилаётган кўрик-танловларда, спорт мусобақаларида қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келаяпти. Муассасада инглиз тили, рус тили, гулчилик, бадиий гимнастика, рассомчилик, тикувчилик, ошпазлик, кулолчилик каби тўгараклар ишлаб турибди.

Мураккаб реконструкциядан чиққан болалар боғчасининг очилиш маросимида туман ҳокими, Жўқорғи Кенгес депутати Жарилқап Турсинбеков, Халқ таълими вазири Аваз Мараҳимов, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши раиси Баҳодир Янгибоев иштирок этишди.

**Рейимбой ЕШИМБЕТОВ**

# ОЛОВҚАЛБ ЁШЛАРДАН ИБОРАТ

## сиёсатчиларни тарбиялаш, кадрлар захирасини тайёрлаш энг муҳим вазифалардан биридир

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шундай бўлса-да конференцияда ёшлар қанотининг ўтган даврдаги фаолияти танқидий баҳоланди. Хусусан, айрим жойларда етакчи этиб сайланган ёшлар тез-тез алмашмоқда. Бунинг оқибатида ёшлар қанотининг баъзи шаҳар, туман, вилоят бўлимлари фаолиятида изчиллик сезилмаяпти. Шунингдек, партиямизнинг ёш фаоллари кўтараётган айрим муаммолар, масалаларнинг ечимини топишга қаратилган ҳаракатлар сустлигича қолмоқда.

*Баъзи жойларда партия кенгашлари раҳбарларининг «Истиқбол» ёшлар қанотини қўллаб-қувватлашга етарли эътибор қаратмаётгани ҳам ишимизнинг орқага қараб кетишига сабаб бўлаяпти.*

Ёш фаоллар анжуманида йўл қўйилаётган бошқа камчиликлар ҳам ошкора муҳокама этилди. Уларни бартараф этиш йўллари ҳақида мулоҳаза ва таклифлар билдирилди. «Истиқбол» атрофида бирлашган 110 мингга яқин йигит-қизнинг қалбидаги жўшқинлик, ғайрат-шижоатни, аввало, ўзларининг етук сиёсатчи бўлиб етишиши, партиямизда ёш сиёсатчилар қатламини шакллантиришга самарали йўналтириш зарурлиги таъкидланди.



Абдивоси ХАЙДАРОВ олган суратлар.

**Конференцияда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Латиф Ғуломов иштирок этди ва сўзга чиқди.**

— «Истиқбол»нинг ҳар бир аъзоси аввало ёш сиёсатчидир, — деди у. — Демак, сизнинг ҳар бир ҳаракатингиз, ташаббусингиз, масалани кўтаришингиз сиёсатчиларга хос бўлиши керак. Бу нима дегани? Аввало, нима мақсадда бирлашганингиз, қандай марраларни кўзлаб ҳаракат қилаётганингизни бир зум ҳам ёддан чиқармаслик талаб этилади. Олдингизда муҳим вазифа — партиямиз электоратининг ёшлар қисми манфаатларини ҳимоялаш учун кураш турган экан, буни сўзда эмас, амалда намоён этиш зарур. Партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари билан мустаҳкам ҳамкорликда ЎзХДП Ҳаракат дастурида белгиланган аниқ вазифаларни бажаришда иштирок этиш ҳам кўзланган мақсадни амалга оширишга ҳамда ўзингизни сиёсий жиҳатдан тоблашга хизмат қилади.

Шунингдек, партия етакчиси «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолиятини такомиллаштириш, кучайтириш билан боғлиқ бошқа масалаларга батафсил тўхталди. Ёшларни қизиқтирган парламент қуйи палатасидаги партия фракциясининг қонун ижодкорлиги фаолияти, принципи ва позицияси, Ҳаракат дастуримизни амалга оширишга қаратилган ишлар, ёшларни сиёсий жараёнларга фаол жалб этиш ҳамда шу каби қатор саволларга жавоб қайтарди.

Маълумки, шу йилнинг феврал-апрель ойларида шаҳар, туман, вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳрида «Истиқбол» ёшлар қаноти бўлимларининг конференциялари бўлиб ўтди. Мазкур тадбирларда ёшларнинг ҳуқуқий ҳимояси, ҳуқуқий маданиятини кучайтириш, уларни касбга тўғри йўналтириш, таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш масалалари кўтарилган, бу борада кўплаб саволлар ўртага ташланган эди. Шу муносабат билан республика конференциясига Адлия вазирлигининг матбуот хизмати раҳбари Тўрабек Тўраев, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг бандлик ва меҳнат бозорини таҳлил қилиш бошқармаси бош мутахассиси Абдували Раҳмонов, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази бошқарма бошлиғи Музаффар Комилов таклиф этилди.

Улар тизимда олиб борилаётган ишлар ҳақида қисқача ахборот бериб, ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Конференция ишида партия ёш фаоллари билан бирга, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, партия экспертлари, сайланма органлари аъзолари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосарлари Шарбат Абдуллаева, Мухтасар Абдураҳмонова, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Абдуғаффор Қирғизбоев сўзга чиқиб, мамлакатимизда Президентимиз ғамхўрлиги остида ёшлар ўз имкониятларини амалда кенг намоён этиши учун барча шароит яратилганини таъкидладилар. Шундай экан, «Истиқбол» фаоллари ҳам ундан самарали фойдаланиб, тенгдошларини ўз ортидан эргаштириши талаб этилаётганига эътибор қаратдилар.

Конференцияда ташкилий масалалар кўриб чиқилди. «Истиқбол» ёшлар қаноти марказий бошқаруви шакллантирилди. Ғайратжон Мамажонов ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси этиб сайланди.

**Беҳзод ШУКУРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Хулоса, мулоҳаза, таклиф



**Усманбек РАЖАПБАЕВ,**
***Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли:***

*— Конференцияда ёшлар манфаатига оид кўплаб масалалар кўтарилди. Буларнинг ечимида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракцияси, давлат ҳокимиятининг вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари билан «Истиқбол»нинг алоқасини мустаҳкамлаш зарур, деган хулосага келдим. Депутатларнинг иш жараёни ва умуман фаолияти билан ёшларни узвий таништириб бориш, депутатлик гуруҳларининг жойларда ўтадиган тадбирлари, назорат-таҳлил ишларида «Истиқбол» фаолларининг ҳам бевосита иштирокини таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Шунда биз тенгдошларимизда депутатлик, сиёсатчилик, етакчилик қобилияти шаклланишига кўмак берган бўламиз.*

**Зумрад ТАЗЕТДИНОВА,**
***«Истиқбол» ёшлар қаноти Юнусобод туман бўлими етакчиси ўринбосари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати:***



— Ёшларнинг шахсий фикрга эга бўлишини қўллаб-қувватлашимиз, қолипга тушиб қолган усуллардан воз кечишимиз керак. Улар орасидан барча соҳа учун керакли мутахассислар етишиб чиқиши кундай равшан. Ҳақиқатан ҳам, ёшлар юртимизнинг эртанги кунини яратувчи куч. Янгича шароитда тарбия топаётган ва таҳсил олаётган ёш авлод мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси бўлиши зарур. Бу жараёнда «Истиқбол» фаоллиги ва ташаббуслари билан ўзини кўрсатиши керак.



**Олмос ЗАФАРОВ,**
***«Истиқбол» ёшлар қаноти Жиззах шаҳар бўлими етакчиси:***

*— Ишимизни ташкил этишнинг самарали усуллари ҳақида янада кўпроқ бош қотирмасак, «Истиқбол» фаолиятидан кўзланган мақсадга эриша олмаймиз. Чунки бугун замон шундай шиддат билан ривожланиб бораяптики, ёшларнинг илғор технологияларга мойиллиги, улардан фойдаланишга эҳтиёжи ортиб бораяпти. Аммо уларни фаолиятимизга жалб этиш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун, аввало, «Истиқбол» фаолларининг малака ва билимини ошириб бориш талаб этилади. Бундан ташқари, хорижий мамлакатлардаги ёшлар ташкилотлари, сиёсий партиялар ёшлар қанотларининг тажрибаларини ўрганиш, уларнинг шароитимиз, миллий менталитетимиз, халқимиз урф-одатларига мос келадиган ютуқлари, тажрибаларидан фойдаланиш ҳам ўз самарасини беради, деб ўйлайман.*

**Гулмира УЗАҚБЕРГАНОВА,**
***«Истиқбол» ёшлар қаноти Қорақалпоғистон республика бўлими етакчиси:***



— Биз ёшларнинг ижтимоий ҳимояси йўналишида ишларимизни кучайтиришимиз керак. Касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларини тамомлаётган йигит-қизларни ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлаш юзасидан жамоатчилик назорати ўрнатиш ўз самара беради. Чунки, фойдали меҳнат билан банд бўлиш ижтимоий муҳофазанинг биринчи шартидир. Партиямиз етакчиси Латиф Ғуломов ҳам айнан шу масалада «Истиқбол»чиларнинг иштирокини кучайтириш зарурлигини таъкидлагани бежиз эмас. Демак, жойларда буни чуқур ўрганиб, улар юзасидан тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида янги ва янада самарали лойиҳалар таклиф этишимиз зарур.



**Шохруҳ РУСТАМОВ,**
***«Истиқбол» ёшлар қаноти Андижон вилоят бўлими етакчиси ўринбосари:***

*— «Истиқбол»нинг ўзига хос вазифаларидан бири — ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришдан иборат. Ўсиб келаётган ёш авлодда бу туйғу барқарор бўлмас экан, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек эзгу мақсадимизга эришиш қийин бўлади. Ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш учун, аввало, уларни маънавият билан қуроллантириш, мафкуравий иммунитетини кучайтириш, информацион технологиялардан самарали фойдаланишга ундаш, ҳуқуқий маданиятини шакллантириш талаб этилади. Бу борада партия кенгашлари, Жамоатчилик қабулхоналари, ахборот-ресурс марказлари, маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларимиз имкониятларидан самарали фойдаланиш лозим.*

**Алишер ҚАНДОЛАТОВ,**
***«Истиқбол» ёшлар қаноти Тошкент вилоят бўлими етакчиси:***



— Биз мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўз қарашларимиз, ташаббусларимиз билан давлатимизни ижтимоий-сиёсий ривожлантиришга ҳисса қўшишимиз зарур. Вилоятимиздаги туман ва шаҳарларда 4 та ҳудудий гуруҳларга бўлиниб, «Ёш сиёсатчилар» мактаби семинар-тренингини ташкил этмоқчимиз. Машғулотларни ўтиш учун Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари, етук сиёсатчилар, ҳуқуқшуносларни жалб қилишни режалаштирганмиз. Бу эса сафимиздан ёш сиёсатчилар етишиб чиқишига хизмат қилади.



**Қумар БЕГНИЯЗОВА,**
***Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли:***

*— Партиямиз Жамоатчилик қабулхоналари қошида ёшлар ҳуқуқий маслаҳатхоналари фаолият кўрсатади. Аммо унинг фаолияти ҳамма жойда ҳам яхши ташкил этилган, деб бўлмайди. Баъзи ҳудудларда у фақат қоғоздагина бор, холос. Бу масала эътибор билан қайта кўриб чиқилиши, ҳуқуқий маслаҳатхоналар чекка ҳудудларда ҳам ташкил этилиши зарур, деб ўйлайман. Чунки бу бизга шунчаки номига эмас, балки мақсадимизни амалга ошириш учун керак.*

*Маслаҳатхоналарга ёш ҳуқуқшунослар билан бирга, тажрибали мутахассисларни ҳам жалб этиш, махсус қабул кунлари уюштириш, умуман олганда, иш юритишнинг янги, замонавий усулларидан оқилона фойдаланиш бугуннинг талабидир.*

**Ғулруҳ ОДАШБОЕВА ёзиб олди.**



# Ижодий фаоллик эътирофи

(Давоми. Боши 1-бетда.)

### *«Туркистон» саройида «Олтин қалам» V Миллий мукофоти ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди*



Абдивоси ХАЙДАРОВ олган сурат.

Шу муносабат билан ушбу саройга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ва халқаро ташкилотлар, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, соҳада узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатган фахрий журналистлар, олий таълим даргоҳларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар таклиф этилди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамият ҳаётини тубдан янгилаш ва ислоҳ этиш йўлида босқичма-босқич, тадрижий, халқимизнинг миллий руҳиятига, орзу-интилишларига монанд амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар маънавий-маърифий соҳалардаги туб ўзгаришларга эришиш, миллий ўзликни англаш, оммавий ахборот воситаларини равнақ топтиришга оид ибратли чора-тадбирлар билан ҳамоҳанг олиб борилаётганини таъкидлади.

Бугунги глобаллашув даври барча соҳалардаги ижодкорлар, айниқса, журналистикада қалам тебратаётган мутахассисларнинг билим ва малакасини доимий ошириб бориш баробарида юртимизда кечаётган ислоҳотларнинг туб мазмун-моҳиятини, жаҳонда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларни халқимизга холис ва ҳаққоний, чуқур таҳлилий ёндашув асосида етказишни, илғор ахборот технологияларини пухта эгаллашни, замон руҳи билан ҳамнафаслик, ҳамқадамликни талаб этмоқда.

Бу йил бешинчи марта ўтказилган «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлов телевидение, радио, матбуот, интернет журналистикаси соҳасида меҳнат қилаётган серғайрат, фидойи, қатъиятли журналистларни аниқлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда ушбу танлов миллий ва халқаро журналистиканинг илғор ютуқларини оммалаштириш, журналистларнинг фаол фуқаролик позициясини намоён этиши учун зарур шароит яратиш, ижодкорларга танқидий фикрлаш ва ўз фаолиятига янгича ёндашувни шакллантиришга хизмат қилади.

Йигирма саккиз номинация бўйича ўтказилган бу йилги танловга 450 нафардан ортиқ журналистдан 6700 дан зиёд ижодий иш тушди. Жорий йилги танловнинг яна бир ўзига хослиги «Баркамол авлод йили»га бағишланган энг яхши материал учун» номинациясининг киритилгани, ғолиб ва совриндорлар учун таъсис этилган мукофот фондининг ошганидадир.

Танловнинг бош миллий мукофотини қўлга киритган «Ёшлар» телерадиоканали ёпиқ акциядорлик жамияти (директори Хайрулла Нуриддинов) — махсус диплом ва энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланди.

Ижодий беллашувнинг телевидение, радио, даврий нашр ва интернет журналистикаси йўналиши бўйича ғолиблар, шунингдек, рағбатлантирувчи мукофотлар совриндорлари ҳам диплом ва пул мукофотлари билан тақдирландилар. Халқаро ташкилотлар ҳам ўз мукофотларини топширди.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

(Давоми 3-бетда.)

Бир неча йил муқаддам Ногиронлар жамиятининг Жиззах шаҳар бўлими ташаббуси билан Жиззах туманининг Улуғбек сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ҳудудида «Ногиронлар боғи» барпо этилди.

# Ногиронлар боғи

*— Ҳозир беш гектарлик боғимизда 1,5 минг тупдан зиёд мевали дарахт ва турфа хил гул кўчатлари кўкариб турибди, — дейди Ногиронлар жамияти шаҳар бўлими раиси, ЎзХДП аъзоси Раҳматулла Аҳмедов. — Кўклам нафаси анорзору узумзорларимизга, хурмозору олмазорларимизга ўзгача кўрк, ўзгача таровват бахш этган, кўрган одамнинг кўнгли завққа тўлади.*

*Шуниси эътиборлики, ҳар йили боғдан олинаётган даромад ҳисобидан шаҳардаги ўнлаб ногирон фуқароларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда, уларни қўшимча ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Хусусан, ўтган йили шаҳардаги 2 нафар жисмоний имконияти чекланган йигит-қизнинг никоҳ тўйи ўтказиб берилди.*

*Келгусида «Ногиронлар боғи»ни кенгайтириш, боғ қошида кичик чорвачилик фермаси ташкил қилиш кўзда тутилган. Шу ҳисобдан яна 8 нафар жисмоний имконияти чекланган фуқароларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этиш мўлжалланаяпти.*

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ**






2010 йил —
Баркамол авлод йили

# КУЧ — БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

*Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли Ўзбекистон миллий боғида ташкил этилган кўргазма ана шундай деб аталди*

Унда Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган 94 та мактабдан ташқари таълим муассасалари (13 та ўқувчилар ижодиёт маркази, 8 та техник марказ, 30 та мусиқа ва санъат мактаби, 13 та спорт мажмуаси, 30 та спорт мактаби) ўз кўргазмалари билан иштирок этди. Шунингдек, мактаблардаги фан тўгараклари, сузиш ҳавзалари, 11 та туман ахборот-ресурслари, 36 та мактаблар қошидаги оромгоҳлар ва «Камолот» ЁИҲ қошидаги ёшлар ижтимоий хизматлар кўрсатиш марказлари ҳамда мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг техник марказлари ҳам қатнашди.

— Мактабларда ўқув йили тугашига ҳам оз вақт қолди, — **дейди Тошкент шаҳар Халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Наргиза Раҳмонкулова.** — Ёзги таътилда мактаб ўқувчиларининг вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида ушбу кўргазма ташкил этилди. Бошқарма тизимимиздаги 295 та умумтаълим мактабларининг 5—8-синфларида 143 минг нафардан ортиқ болалар таълим олмоқда. Ёзги таътил пайтида уларнинг кўпчилиги мактаблар қошидаги оромгоҳлар, тўгараклар, спорт секцияларига жалб қилинади. Кўргазма икки кун давом этди. Лекин биз 27 майга қадар мактабларда бўлиб, болаларни тўгаракларга жалб этишда давом этамиз.

Кўргазма иштирокчилари ўзлари учун ажратилган қисмни чиройли расмлар, жиҳозлар билан безашди. Уларнинг жойлашиш кетма-кетлиги соҳалар бўйича тақсимланди. Ушбу кўргазмада қатнашган айрим ҳамшаҳарларимизнинг фикрлари билан қизиқдик.

**Абдураҳмон ДИЁРХЎЖАЕВ,**
***Собир Раҳимов туманидаги «Истиқлол» спорт мажмуаси директор ўринбосари:***

— Кўргазмада қатнашишимиздан асосий мақсадимиз шаҳримиз, айниқса, туманимиз ёшларини дарсдан бўш вақтларида спортга жалб қилиш, уларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишига ўз ҳиссамизни қўшишдир. Бизда ёшлар спортнинг футбол, бокс, таэквондо, шахмат, шашка, кикбоксинг, волейбол, баскетбол турлари билан бемалол шуғулланишлари мумкин. Мажмуамизда тажрибали мураббийлар фаолият юритишмоқда. Кўргазмада кўплаб ёшлар бизнинг мажмуамиздаги тўгаракларга ёзилди.

**Шоира АБДУЖАББОРОВА,**
***Мирзо Улуғбек туманидаги ўқувчилар ижодиёти маркази директор ўринбосари:***

— Марказимизда 51 та тўгарак мавжуд. Кўргазмада ёшлар асосан инглиз тили, рус тили, компьютер саводхонлиги, пардачилик тўгаракларига ёзилишди. Бизнинг марказимизда 98 нафар мутахассис фаолият юритади. Уларнинг 80 фоиздан ортиғи олий маълумотли мутахассислар. Иложи борича кам таъминланган оилалар фарзандларини, ногиронларни ҳам тўгаракларимизга жалб этишга ҳаракат қиляпмиз. Бизда барча тўгараклар бепул.

**Илмира САМАНОВА,**
***Сергели туманида жойлашган 268-мактаб ўқитувчиси:***

— Биз ушбу тадбирга мактаб бўйича 150 та ўқувчини жалб этганмиз. Ўғил болаларимиз асосан ёзги оромгоҳларга, спорт тўгаракларига, қизларимиз эса бичиш-тикиш тўгаракларига ёзилишмоқда. Ушбу тадбирни кузата туриб, ёзги таътил пайтида ўқувчиларимиз ўз вақтларини мазмунли ўтказишларига амин бўлдим.

**Мақсуджон ҚАЮМОВ,**
***Учтепа туманида жойлашган 212-мактабнинг 6-синф ўқувчиси:***

— Мен футболчи бўлишни орзу қиламан. Ўзимиздан Одил Аҳмедов, Илҳом Суюнов каби футболчиларга, чет элдан эса Лионель Месси, Криштиану Роналду, Франческо Тотти каби футболчиларга ҳавас қиламан, уларга ўхшашни хоҳлайман. Бу кўргазмага келиб туманимизда жойлашган спорт мажмуасининг футбол бўлимига аъзо бўлдим. Кўпчилик дўстларим ҳам менга ўхшаб футбол тўгарагига ёзилди.

Дарҳақиқат, болаларнинг ёзги таътил пайтида фойдали машғулотлар билан шуғулланиши уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишига ёрдам беради.

**Темур АЪЗАМ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

ФУТБОЛ

# МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИКЛАР
## сабаби қаерда?

**Мамлакатимизнинг етакчи жамоалари «Бунёдкор», «Пахтакор» ҳамда «Насаф» клублари Осиё чемпионлари лигаси, Осиё футбол конфедерацияси кубоги нимчорак финал босқичида рақибларига имкониятни бой беришди. Хўш, клубларимизнинг бу муваффақиятсизлигига нима сабаб бўлди? Қитъамизнинг нуфузли баҳсларида вакилларимизнинг зафарли одимларини давом эттиришларига нима халақит берди? Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида мамлакатимизнинг таниқли футбол мутахассислари ва мураббийларига мурожаат қилдик.**



**Вадим АБРАМОВ,**
***Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи:***

— Мамлакатимиз бош жамоаси таркибининг ўзагини мазкур клубларимиз футболчилари ташкил этади. Шу боис уларнинг ҳар бир учрашуви диққат марказимизда туради. Шахсан мен «Пахтакор» ва «Бунёдкор» жамоалари иштирокида ўтган ўйинларни телевизор орқали томоша қилдим. Айниқса, пахтакорчиларнинг ғалабасига умид билан қараган эдим. Аммо жамоани мавсумга ҳозирлаган тажрибали мураббий Миодраг Радуловичнинг «Пахтакор»ни тарк этганлиги футболчиларга руҳий таъсир ўтказган бўлиши мумкин. Кўпчилик «Ал-Гарафа» — «Пахтакор» жамоалари ўйинини бошқарган ҳакам хатти-ҳаракатига эътироз билдирди. Шахсан мен бу фикрга унчалик қўшилмайман. Пахтакорчилар дарвозасига пенальти белгилангунга қадар бўлган вақтдан ҳамюртларимиз унумли фойдаланишганида ўйин бошқача якунланарди.

Игнатий Нестеров ҳамда тажрибали ҳужумчи Денилсонларсиз майдонга тушган бунёдкорчиларнинг ҳар жабҳада рақибга имкониятни бой берганлигини барча кўрди. «Насаф» жамоасининг ўйинида ғалаба қозониш қаршиликларнинг ўз қўлларида эди. Агар Камолиддин Мурзоев сурияликлар дарвозаси томон белгиланган пенальтини аниқ амалга оширганида бу учрашув биз кутган натижани берарди.

**Рустам АКРАМОВ,**
***ЎФФ терма жамоалар маркази техник директори:***

— Маълумки, нимчорак финалга кучсиз жамоалар йўлланма олмайди. Шундай экан, уларга тенг имконият бериш керак. Афсуски, икки йилдирки, ОФК турнирларида нимчорак финал босқичида ғолиблар фақат бир учрашув натижасига кўра аниқланмоқда. Бу мутлақо мантиққа тўғри келмайди. Агар шундай бўладиган бўлса, бир учрашувдан иборат плей-офф ўйинини бетараф жойда ташкил этиш ҳақида ўйлаб кўриш керак. Аксарият мухлислар «Пахтакор» ва «Насаф» жамоалари ҳакамлар хатолари эвазига мусобақани барвақт тарк этди, дейишмоқда. Бунга мутлақо қўшилмайман. Пахтакорчилар охирги ўйинни бир қатор етакчиларсиз ўтказди. Тан олиш керак, «Пахтакор» ёшларга таянган ҳолда майдонга тушган бўлсада, майдонда ташаббусни қўлга ола билмади.

Ҳозир футбол қоидалари анча ўзгарган. Агар «Ал-Гарафа»нинг бразилиялик ҳужумчисининг пенальтини бир зум тўхтаб амалга оширганини айримлар нотўғри деб ҳисоблашса, янглишади. Бу ерда футболчи ҳақ, ҳакамга эътироз бўлиши мумкин эмас.

«Насаф» футболчилари Сурияда ижобий натижани қайд этишга жуда яқин туришганди. Ўйиннинг сўнгги лаҳзаларида ҳакам томонидан белгиланган пенальтига қарши фикр билдиришдан олдин, ундан аввалроқ «Ал-Карама» жамоаси дарвозасига белгилаган пенальтисини бир эслаб кўринг. Агар Мурзоев бу имкониятдан унумли фойдаланганида ҳаммаси бошқача бўлиши мумкин эди.

«Бунёдкор» жамоаси аъзоларининг Саудия Арабистонида «Ал-Ҳилол» футболчиларига қарши кўрсатган ўйинини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Сколаридек таниқли мураббий қўл остида тўп сурган бунёдкорчилардан биз мутлақо бошқача ўйин кутгандик. Майли, Игнатий Нестеров, Денилсонлар охирги ўйинни ўтказиб юборишга мажбур эдилар. Аммо малакали мутахассис нега бундай вазиятдан чиқиб кетиш чораларини кўрмади? Хориждан таклиф қилинган легионер Ристични бош мураббий нега Осиё чемпионлар лигаси баҳслари рўйхатига киритмаганлигини ҳали ҳам тушунмайман. Тўғри, бундан фожиа ясаш ярамайди. Олдинда янги мусобақалар турибди. Йўл қўйилган хато-камчиликлардан ўз вақтида хулоса чиқарилсагина кутилган натижаларга эришиш мумкин. Ишонаманки, бу муваффақиятсизлик жамоаларимиз учун сабоқ бўлади.

**Виктор КУМИКОВ,**
***«Насаф» жамоаси бош мураббийи:***

— Ўйиндан олдин ҳам айтгандим, ушбу босқичда ҳар икки жамоанинг имконияти бир хил эди. Тўғри, мазкур баҳсни дисквалификация боис бир йўла уч футболчимизнинг ўтказиб юбориши биз учун маълум бош оғриқлар туғдириши табиий эди. «Ал-Карама» футболчиларининг устунлик томони, улар плей-офф босқичини ўз мухлислари қаршисида ўтказди. Шунга қарамай, футболчиларимиз рақиб дарвозаси олдида бир қатор голга тортадиган вазиятлар содир этишди. Афсуски, ундан фойдаланиш борасида шогирдларимда тажриба ва омад етишмади. Айниқса, ҳужумчимиз Камолиддин Мурзоевнинг пенальтини аниқ амалга ошира олмагани биз учун жуда қимматга тушди.

...Булар дастлабки фикр-мулоҳазалар, албатта. Бу масалада ҳар кимнинг ўз хулосаси бор. Аммо барча фикрларни ўрганиб, тегишли чора-тадбир белгилаш футбол федерацияси раҳбарларининг иши.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

«Баркамол авлод йили» Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда Термиз шаҳрида ўн минг томошабинга мўлжалланган стадион қурилиши бошланди.

# Стадион қурилмоқда



Вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси буюртмасига асосан қурилаётган иншоотни Бухородаги «20-қурилиш трести» масъулияти чекланган жамиятига қарашли «3-КМК» қурувчилари амалга оширишмоқда. Умумий лойиҳа қиймати 10 миллиард сўм бўлган ажойиб стадион жорий йилда фойдаланишга топширилади.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Китоб жавонингизга

# «Яхшилар баҳори...»

Маҳмуд Замахшарий фавқулодда истеъдоди, юксак илмий салоҳияти билан мағриб ва машриқдаги замондошлари ҳурмат-эътиборини қозонган беназир аллома эди. Шу боис у «Устоз уд-дунё» («Бутун дунёнинг устози»), «Фахру Хаваразм» («Хоразмнинг фахри») каби беқиёс унвонлар билан шарафланди. Мутафаккир асарлари Шарқ тарихини ўрганишда бебаҳо манбадир. Унинг араб тили грамматикасига оид китоби ҳозир ҳам қимматли қўлланма ҳисобланади.



Истиқлол йилларида илм-фаннинг кўплаб соҳаларида шуҳрат қозонган олиму уламо аждодларимиз қатори Маҳмуд Замахшарий мероси ҳам чуқур ўрганила бошланди. Буюк алломанинг бой илмий меросини тадқиқ ва тарғиб қилишда Алибек Рустамий, Убайдулла Уватов каби олимлар самарали фаолият кўрсатишаяпти.

Шундай замахшарийшунослар қаторига таниқли ёзувчи ва олим Пирмат Шермуҳамедов ҳам қўшилди. У дунёга донғи кетган Замахшарий меросини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш орзусида алломанинг ҳаёти ва ижодига бағишланган «Яхшилар баҳори ёхуд Маҳмуд Замахшарий даҳоси» илмий-маърифий асарини яратди.

Асарда улуғ бобомиз ҳаётидаги кўплаб эътиборга молик воқеалар, саналар, ёзган асарлари, ўша давр кишиларининг турмуш тарзи тўлиқ қамраб олинган. Тафсилотлар изчил тасвирланиб, равон тилда ёзилган.

Ушбу китоб пойтахтимиздаги «Noshir» нашриётида тайёрланиб, сифатли чоп этилган. Ишончимиз комил, китобни ўқир экансиз, илм-фан йўлида заҳмат чекиб, туғилган юрти довруғини дунёга достон қилган Маҳмуд Замахшарий каби «Яхшилар баҳори» қайта-қайта келишига яна бир карра амин бўласиз.

**Юнус ЗИЁДОВ,**
**фахрий журналист.**

Обод маҳалла — мамлакат кўрки

# Меҳрга сазовор маскан

Маҳалла — жамиятнинг асосий бўғини. Шу боис мамлакатимизда маҳаллаларнинг жамиятда тутган ўрнини янада оширишга жиддий аҳамият берилаяпти. Самарқанд шаҳрида 191 та маҳалла, 3 та шаҳарча фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатмоқда. Маҳаллаларда кенг миқёсдаги бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари олиб борилиши билан бир қаторда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, уларга янада қулай шароит яратилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.



«Сайид» маҳалласи қадим шаҳар марказидаги энг обод ва кўркам маҳаллалардан бири ҳисобланади. Тарихий маълумотларда ёзилишича, маҳалла бундан 600 йиллар муқаддам пайдо бўлган. «Сайид» сўзи арабчада «жаноб» маъносини англатади. Маҳалла ҳудуди 42,5 гектар майдонни эгаллаган, 12 та кўча ўтади, 28 та савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари жойлашган. Бирбиридан муҳташам уй-жойлар, ариқда тўлиб оқаётган зилол сув кишининг баҳри-дилини очади, кайфиятини кўтаради. Йил бошида маҳалла ҳудуди янада ободонлаштирилиб, 500 тупдан ортиқ манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилди.

— Мана бу маҳалланинг тўйхонаси, — дея муҳташам кошонага имо қилди суҳбатдошимиз, маҳалла оқсоқоли Мўмин Муҳсинов. — «Обод маҳалла йили» Давлат дастурига кўра бу ерда шарқона усулдаги замонавий, барча қулайликларга эга бўлган янги маҳалла маркази ва шу тўйхонани барпо этганмиз. Ҳозирги вақтда маҳалланинг барча тўйлари, маросимлар, байрам тантаналари мана шу 500 ўринли залда ўтказилади.

Маҳалла маркази қошида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида шаҳардаги 10-сонли поликлиника ҳамда 1-сонли болалар поликлиникаси филиаллари ишлаб турибди. Эндиликда маҳалла аҳолисининг шаҳар поликлиникаларига мурожаат қилишларига ҳожат қолмаган.

Маҳаллада вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида ҳам ибратли ишлар бажарилаяпти. Жумладан, бу ерда охирги 4-5 йил давомида ёшлар орасида биронта ҳам қонунбузарлик ҳолатлари содир этилмаган. Шаҳар маҳаллалари ўртасида ўтказиладиган турли танловларда ҳам маҳалла аҳли доимий тарзда биринчиликни эгаллаб келаяпти. Маҳалла ёшлари орасида шоҳмот ва шарқ яккакураши турлари бўйича ўтказилган мусобақалар ғолиблари бор.

Шунингдек, маҳаллада кўплаб ҳунармандлар истиқомат қилишади. Уларнинг «Усто-шогирд» мактабларида ўнлаб маҳалла ёшлари ҳунармандчилик сир-асрорларини ўрганишаяпти. Бир сўз билан айтганда, маҳалла ёшларининг бўш вақтлари мазмунли ўтиши учун барча чора-тадбирлар белгиланган.

**Абдували ХУДОЁРОВ**

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV
MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780
MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
Shohaydar MIRHABIBOV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 449
13594 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 01.30
Topshirilgan vaqti — 02.15
1 3 4 5
Sotuvda erkin narxda